

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Tib.30.03
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

КАМИЛОВА ИРОДА АБДУРАСУЛОВНА

**ТАЖРИБА ВА КЛИНИК ШАРОИТДА НОМАХСУС ЦЕРВИЦИТ
БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРНИ КОМПЛЕКС ДАВОЛАШ**

**14.00.16 – Нормал ва патологик физиология
14.00.01 – Акушерлик ва гинекология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.2.PhD/Tib611 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tma.uz) ҳамда «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбарлар:

Каримов Хамид Якубович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Пахомова Жанна Евгеньевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Саидов Аълонур Бахтинурович
тиббиёт фанлари доктори

Ниязметов Раҳматулла Эрматович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгашнинг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Г.И.Шайхова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.Ж.Эрматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Б.У.Ирискулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа докторлик (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бачадон бўйни номахсус яллиғланиш муаммоси акушерлик гинекология соҳасининг энг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланиб, ҳозирда цервицитларнинг йилдан-йилга ортиб бориши кузатилмоқда. Сурункали цервицитлар кўплаб гинекологик касалликлар ва акушерлик патологиялари «...эндометрит, сальпингит, эндометрийнинг кўтарилувчи инфекциялари, кичик тос соҳасидаги яллиғланиш касалликлари ҳомиладорлик ва туғруқ кечишининг бузилиши, ҳомиланинг она қорнида касалланиши, бепуштликнинг ривожланиши, ҳомилани кўтара олмаслик ҳолатлари бўлиб ҳисобланади...»¹. Шу билан бирга аёллардаги номахсус цервицитни даволашда нанотехнология асосида тайёрланган янги типдаги «...микробга қарши дори воситаларни қўллаш, янги даволаш усулларини ишлаб чиқиш, вагинит ва цервицитда бир вақтнинг ўзида дисбиотик ва иммунометаболик бузилишларни коррекциялаш, нефрологлар, эндокринологлар, кардиологлар ва терапевтлар олдидаги энг муҳим вазифа бўлиб...»², ҳозирда ушбу касалликнинг олдини олиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда тажриба ва клиник шароитда номахсус цервицит билан хасталанган беморларни комплекс даволаш сифатини яхшилашга қаратилган профилактик тадбирларни юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада нанокумуш асосидаги янги дори воситасининг кумулятив ва сенсibiliзацияон таъсири, маҳаллий таъсирлантирувчи, тери резорбтив, ўткир ва субхроник захарлилик хусусиятларини тажрибада баҳолаш, гисто-морфологик тадқиқот маълумотларига кўра тажрибада каламушлар бачадон бўйни цервикул интраэпителиал зарарланиши моделларида олиб борилган даволашда Баксергель дори воситаси самарадорлигини тажрибада баҳолаш; номахсус цервицитнинг номахсус патогенетик терапиясида Баксергель нанокумуш препаратини алоҳида ва оғиз орқали бериладиган Вагилакс пробиотиғи билан комплекс ҳолда қўлланилганда клиник натижаларни баҳолашнинг клиник самарадорлигини илмий асослаш касаликнинг асоратларини белгиловчи омилларни бартараф этиш усулларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизими тубдан янгиланди. Бачадон бўйни яллиғланиш касалликларини даволашда маҳаллий воситаларни қўллашни клиник-экспериментал асослаш бўйича кенг қамровли дастурий тадбирлар амалга оширилди. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиғи ҳамда сифатини оширишга, аҳоли орасида

¹ Боровиков И.О. Дифференцированный подход к профилактике и лечению ассоциированных в вирусом папилломы человека цервикальных интраэпителиальных неоплазий: Автореф. дис. ...д.м.н. Волгоград, 2017. -45с.

² Грибова С.Н. Состояние локальной иммунной системы шейки матки при хроническом неспецифическом цервиците у женщин репродуктивного возраста / С.Н. Грибова, Н.Б. Захарова, Н.Ф. Хворостухина, Ю.В. Михеева // Современные проблемы науки и образования.– 2015 - № 4 . –10 с.

соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, тиббиёт муассасаларининг моддий техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилган ҳолда соғлиқни сақлаш соҳасини, энг аввало, унинг дастлабки бўғинини – тез ва шошилишчи тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш...»³ вазифалари кўйилган. Бу вазифалар турли соматик касалликларнинг профилактикаси ва ташхислаш, замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш орқали оналар ва болалар ўлимининг камайишини таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014 йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014–2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Номасхус цервицитнинг юзага келишида этиологик омил бўлиб шартли патоген микроорганизмлар ассоциацияси ҳисобланади (М.А.Власов, О.В.Островская, Н.М.Ивахишина, Н.Е.Пермина, 2016). Цервицитдаги яллиғланишнинг муҳим тавсифи бўлиб, унинг ривожлантирувчи характери ва зарарловчи агентлар элиминацияланиш қобилиятининг пасайиши ҳисобланади (Э.Р.Давлетханова 2013; С.И.Роговская, Е.В.Липова, 2016). Ҳозирги кунда кўплаб тадқиқотчилар томонидан вагинал ва цервикал яллиғланишнинг ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлиги тўғрисидаги факт қабул қилинмоқда. Ҳар икки касаллик патогенезида боғловчи ва етакчи ўрин микробиоценознинг бузилишига тааллуқлидир (А.А.Суханова, В.В.Суменко, М.Н.Шалько, 2013).

Цервицитларда яллиғланишнинг ривожланиши метаболизмнинг маҳаллий ва тизимли бузилишлари билан кузатилади, улар эса антиоксидант тизимидаги дисбаланс, иммун тизими ҳимоя функцияларининг пасайиши билан намоён бўлиб, у охир оқибат аутокаталитик халқалардаги бузилишларнинг шаклланишига олиб келади, улар эса ўз навбатида

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

яллиғланиш жараёнларини сақланиши ва ривожланиши учун шароит яратиш беради (Gao H., Yang H., Wang C., 2017; Grosse S., Evje L., Syversen T., 2013). Цервицитларни даволашда қўлланиладиган дори воситаларининг спектори етарли даражада кенг бўлиб, улар асосан репаратив жараёнларни стимулловчи ва инфекция таъсирини пасайтиришга қаратилган антибактериал, антисептик ва иммуномодулятор воситалар ҳисобланади (С.В.Яковлева, С.В.Сидоренко, В.В.Рафальский, Т.В.Спичак, 2014). Бироқ кўзгатувчилар биологик хусусиятларининг ўзгариши рационал патогенетик ва этиотроп асосланган даволашни ўтказишда қийинчиликларни юзага келишига асосий сабаб сифатида қаралади (Beer S., 2012; И.П.Амидонова, 2016).

Ўзбекистонда турли акушерлик ва гинекологик касалликларни даволаш ва уларнинг олдини олиш борасида қатор илмий ишлар амалга оширилмоқда. Бироқ бачадон бўйни яллиғланиш касалликларида маҳаллий воситаларни қўллашни клиник-экспериментал асослаш сифатини оширишга қартилган ишлар бажарилмаган.

Келтирилган маълумотлар нанотехнологиялар асосида тайёрланган, микробларга қарши дори воситаларининг янги авлодини қўллаш орқали аёлларда номахсус цервицитни даволашда янги усулларни ишлаб чиқиш заруриятидан гувоҳлик беради. Вагинит ва цервицитда дисбиотик ва иммунометаболик бузилишларни бир вақтда коррекция қилиш усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш, айниқса долзарб бўлиб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқот ишлари режаларига мувофиқ №01.1500213 «Акушерлик ва гинекологик патологияси бўлган аёлларда ташхислаш, даволаш, башорат қилиш, профилактикасини олиб боришнинг замонавий технологиялари» илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тажриба ва клиник шароитда номахсус цервицит билан хасталанган беморларни комплекс даволаш тизимини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

нанокумуш асосидаги янги дори воситасининг кумулятив ва сенсбилизацион таъсири, маҳаллий таъсирлантирувчи, тери резорбтив, ўткир ва субхроник заҳарлилик хусусиятларини тажрибада баҳолаш;

гисто-морфологик тадқиқот маълумотларига кўра тажрибада каламушлар бачадон бўйни цервикул интраэпителиал зарарланиши моделларида олиб борилган даволашда маҳаллий дори воситаси самарадорлигини тажрибада баҳолаш;

номахсус цервицитнинг номахсус патогенетик терапиясида нанокумуш дори воситасини алоҳида ва оғиз орқали бериладиган Вагилакс пробиотиғи билан комплекс ҳолда қўлланилганда клиник натижаларни баҳолаш;

цервицит билан оғриган беморларни комплекс даволашда микробларга қарши маҳаллий дори воситаси клиник шароитларга мос келадиган яллиғланишдаги тажрибавий моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти 2017 йилда Тошкент тиббиёт академияси Олий ўқув юртлараро марказий тадқиқотлар лабораториясида нанокумуш дори воситасини жинсдаги тажриба ҳайвонлари 30 та оқ сичқон, 196 та оқ каламуш, 20 та денгиз чўчқаси ва 3 та қуёнда, бачадон бўйни цервикал интраэпителиал зарарланиши моделлаштирилган оқ каламушларда ўтказилган. 2017–2018 йиллар давомида Тошкент тиббиёт академияси 2-клиникаси аёллар саломатлик марказида 17–49 ёшгача бўлган цервицит ташхиси клиник тасдиқланган 147 нафар бемор аёлларда клиник тадқиқот ишлари олиб борилган. Назорат гуруҳини 30 нафар амалий соғлом аёллар ташкил этган.

Тадқиқотнинг предмети тажриба ҳайвонларини даволаш самарадорлигини баҳолаш физиологик ва гематологик, цитокин профил ва ЛПО-АОТ, вагинал ажратма таркиби, цервицитнинг объектив клиник белгилари, кольпоскопик кўриниш, вагинал ва цервикал ажратмаларни цитологик ва бактериологик таҳлили материаллари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш ва мақсадга эришиш учун ишда тажриба, клиник, биокимёвий ва статистик усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бачадоннинг цервикал интраэпителиал шикастланишида тажриба моделида маҳаллий дори воситаси билан даволаганда хужайра ва тўқималарнинг регенерация муддатларининг қисқариши исботланган;

тажриба моделида яллиғланиш ўчоғини грануляцион тўқима билан чегараланиши, макрофагал реакция ва вагинал ажратма таркиби ҳамда қондаги про-антиоксидант тизими меъёрлаштирилган;

тажрибада бачадонни цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделини даволашда маҳаллий дори воситасини каламушлар қонидаги цитокин профилининг ижобий динамикаси исботланган;

номахсус цервицитни комплекс даволашда беморлар қонида яллиғланишга қарши цитокинларнинг баланси маҳаллий цервикал ажратма ҳамда эркин радикалларнинг меъёрлашиш жараёнлари, эндоген захарланиш интенсивлигининг ишончли пасайиши исботланган;

цервицитли беморларни маҳаллий дори воситаси ва пробиотигининг комплекс кўп омилли ва патогенетик асосланган таъсирини таъминлашда самарали даволаш тизими яратилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

экспериментал ва клиник тадқиқотлар асосида номахсус цервицитни комплекс даволашга Баксергель нанокумуш препарати жорий этилган;

цервицитларни комплекс даволашда Баксергель нанокумуш дори препарати ва оғиз орқали бериладиган Вагалакс пробиотигини комплекс ҳолда бирга қўллашни мақсадга мувофиқлиги исботланган ва юқори клиник самарадорлиги белгиланган;

таклиф этилган дори препаратларини қўллаш, даволаш натижаларини маҳаллий ва умумий иммунометаболик жараёнларни комплекс меъёрлаштириш, цервикал канал ва қин микробиоценозини тиклаш ҳисобига яхшилаш натижасида даволаш муддатларини қисқаришга ва ремиссия даврини узайтиришга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада ҳайвонлар олинганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга бири иккинчисини тўлдирадиган тажриба, клиник, биокимёвий, шунингдек вариацион статистика усуллари ёрдамида ишлов берилган. Тажриба ва клиник шароитда номахсус цервицит билан хасталанган беморларни комплекс даволаш сифатини яхшилашга қаратилган профилактик тадбирларни изоҳлашда турли усуллар қўлланилгани, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг назарий аҳамияти тажрибада регенерация муддатининг қисқариши ва бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишларини моделлаштиришда каламушларда сурункали яллиғланиш жараёнининг олдини олишда маҳаллий нанокумуш дори воситаси билан даволаш тизимининг патогенетик механизми яратилган. Номахсус цервицитни комплекс даволашда маҳаллий дори воситаси Баксергель ва Вагилакс комплексини бирга қўллашда беморларда тизимли даражада қонда яллиғланишга қарши цитокинларнинг баланси маҳаллий цервикал ажратма ҳамда эркин радикалларнинг меъёрлашиш, эндоген захарланиш интенсивлигининг ишончли пасайиши билан изоҳланди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти номахсус цервицитларнинг комплекс терапиясига нанокумуш Баксергель дори воситасини киритиш асосида олиб борилган тажриба ва клиник тадқиқотлар асосида олиб борилган. Оғиз орқали бериладиган Вагилакс пробиотигини ва нанокумуш Баксергель препаратини цервицитларни комплекс даволашда биргаликда фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги исботланган ва клиник жиҳатдан юқори самарадорлиги белгиланган таклиф этилган комплекс, қин ва цервикал каналнинг микробиоценозини тикланишига, маҳаллий ва тизимли иммун метаболик жараёнларни комплекс меъёрлашиши ҳисобига даволаш натижаларини яхшилаши ва даволаш муддатларини қисқариш ва ремиссия даври узайтириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тажриба ва клиник шароитда носпецефик цервицит билан хасталанган беморларни комплекс даволаш сифатини асослаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Номахсус генезли бачадон бўйни яллиғланиш патологиясини даволаш учун гинекологик амалиётда Баксергель нанокумуш асосидаги дори препаратларини қўллаш» усулбуйи қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 8н-д/252-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма номахсус генезли бачадон

бўйни яллиғланиш патологиясини даволаш учун гинекологик амалиётда Баксергель нанокумуш асосидаги дори препаратларини қўллаш самарадорлигини баҳолашни такомиллаштириш имконини берган;

«Бачадон бўйни номахсус генезли яллиғланиш касалликларида ўтказиладиган даволашга комплекс ёндашув» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 26 ноябрдаги 8н-д/252-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма бачадон бўйни номахсус генезли яллиғланиш касалликларини даволашга комплекс ёндашув кўрсатмалари ва касалликнинг олдини олиш механизмларини самарали татбиқ қилишга хизмат қилган;

тажриба ва клиник шароитда носпецифик цервицит билан хасталанган беморларни комплекс даволаш сифатини яхшилашнинг самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Тошкент тиббиёт академияси олий ўқув юртлариаро илмий лабораторияси, Республика акушерлик ва гинекология ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент шаҳар 6-сон туғруқ комплекси клиник амалиётига татбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 21 декабрдаги 8н-з/242-сон маълумотномаси). Олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши беморларнинг жинсий ҳаёт сифатини яхшиланишига, рецидивлар сонини кескин камайиши, даволаш муддатини қисқариши ва ремиссиялар давомийлигини 24,6%га узайишига олиб келиши ва даволаниш сарф-харажатларини камайтиришга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, иш натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр қилинган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни яллиғланиш касалликларининг патогензи ва даволашнинг замонавий талқини**» деб номланган биринчи

бобида маҳаллий ва хорижий адабиётлар асосида турли хил этиологияли нефропатиялар, ўпканинг нореспиратор касаллиги муаммосининг ҳозирги ҳолати бўйича адабиётлар шарҳи берилган. Турли хил этиологияли нефропатиялар ўпканинг нореспиратор касаллиги этиологияси ва патогенези ривожланиш механизми, турли хил нефропатияларни касалликнинг ривожланишидаги ўрни тўғрисида тўлиқ илмий-амалий маълумотлар таҳлил қилинган ҳолда келтирилган. Тавсия этилаётган даволаш усуллари, уларнинг натижалари, афзалликлари ва камчиликлари баён этилган.

Диссертациянинг «**Бачадон бўйни яллиғланиш касалликларининг патогенетик ташхислаш ва даволашнинг материал ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг материал ва усуллари баён этилган бўлиб, экспериментал тадқиқот объекти бўлиб, кумуш нанодоначалари бўлган янги гидрогель – 0,001% ва карбоксиметилцеллюлоза тўлдирувчиси (КМЦ-2,0%) қўшилган дори воситаси бўлиб, мазкур дори воситаси ЎзР Фанлар академияси кимё ва физика полимерлари институти профессори А.А.Саримсоқов томонидан ишлаб чиқилган Баксергель дори воситаси ҳисобланади.

Баксергель нанокумуш дори препаратини клиникагача экспериментал тадқиқоти ТТА МИТЛ базасида ҳар икки жинсдаги ҳар хил лаборатория ҳайвонларида: 30 та оқ сичқон, 196 та оқ каламуш, 20 та денгиз чўчқаси ва 3 та куёнда ўтказилди.

Дори воситасини бирламчи-токсикологик баҳолаш ўз таркибига ўткир меъда ичи заҳарлилиги, кўз шиллиқ қавати ва териға бир марталик маҳаллий таъсирлантирувчи ва тери-резорбтив таъсири, анафилактоген фаоллиги ва фаол тери анафилаксияси, шунингдек, маҳаллий таъсирлантирувчи таъсирини ҳамда териға кўп марта суртилиши ҳолатида кумулятив хусусиятини ўрганишни ўз ичига олади.

Баксергель нанокумуш дори воситасини экспериментал тадқиқотида заҳарлилик кўрсаткичлари бўлиб, ҳайвонларнинг ҳулқи ва яшовчанлиги, ўлим ҳолатини юзага келиш вақти, заҳарланиш белгиларини юзага келиши, теридаги маҳаллий ўзгаришлар, тана оғирлигининг динамикаси, «ворақўзон рефлекси», гексенал уйқу ҳолатлари ҳисобланади. Периферик қондаги гемоглобин, эритроцитлар, лейкоцитлар даражаси, қон зардобидидаги ишқорий фасфатаза фаоллиги, АСТ, АЛТ, умумий ва тўғри билирубин миқдори – Ниҳол тест жамланмасидан фойдаланилди.

Гинекология амалиётида маҳаллий дори воситасини қўллаш имкониятини ўрганиш учун олдиндан лаборатор ҳайвонларида тажрибада цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделлаштирилган шароитида ўтказилган даволашда дори воситасининг самарадорлиги ўрганилди.

Ҳайвонлар ҳар бир гуруҳда 25 тадан каламуш бўлган тажриба гуруҳларига ажратилди, ҳар бир гуруҳда: 1-гуруҳ – чин назорат, интакт ҳайвонлар; 2-гуруҳ – цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделлаштирилган, даволаш ўтказилмаган ҳайвонлар гуруҳи; 3-гуруҳ – цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделлаштирилган, КМЦ билан даволанган ҳайвонлар гуруҳи; 4-гуруҳ – цервикал интраэпителиал

шикастланишлар моделлаштирилган, Баксергель билан даволанган хайвонлар гуруҳи.

Тажриба хайвонларини даволаш самарадорлигини баҳолаш физиологик ва гематологик кўрсаткичлар динамикаси бўйича, шунингдек цитокин профили ва қондаги ПОЛ-АОС жараёнлари ёрдамида амалга оширилди, вагинал ажратма таркиби таҳлил қилинди.

Номахсус цервицитни Баксергель ва оғиз орқали юбориладиган Вагилаксни киритилиши билан олиб бориладиган даволашни янги усулини асослашга бағишланган клиник тадқиқотлар Тошкент тиббиёт академиясининг Аёллар саломалик марказининг 2-клиникаси базасида 2017–2018 йиллар давомида даллиларга асосланган тиббиёт принципларига мос ҳолда бажарилди. 17 ёшдан 49 ёшгача бўлган цервицит ташхиси клиник тасдиқланган 147 нафар беморда даволаш ва комплекс клиник-лаборатор текширишлар ўтказилди, уларни тасодифий танлаб олиш усули билан 3 та клиник гуруҳга ажратилди:

1-қиёсий гуруҳга 48 нафар бемор киритилган, уларда даволаш «Гинекологик касалликларнинг ташхиси ва баённомаси» (2017) ва унда белгилаб қўйилган мазкур патологияни даволашнинг қабул қилинган усули бўйича ўтказилган; 2-асосий гуруҳ – маҳаллий этиотроп даволовчи сифатида Баксергель қўлланилди; 3-асосий гуруҳ – Баксергельни маҳаллий қўллаш билан бир вақтда Вагилаксни ичга қабул қилишдан фойдаланилди.

Назорат гуруҳини тадқиқот ўтказилаётган вақтда бачадон бўйни патологияси аниқланмаган амалий жиҳатдан соғлом бўлган 30 нафар аёл ташкил этди (назорат гуруҳи). Аёлларни текширувдан ўтказиш даволаш муассасаларида қабул қилинган ҳисоб-китоб ҳужжатлари асосида комплекс ҳолда олиб борилди.

Олиб борилган даволаш самарадорлигини клиник баҳолаш, беморлардаги шикоятларни, цервицитнинг клиник объектив белгиларини, кольпоскопик кўринишларни, вагинал ва цервикал ажратмаларни цитологик ва бактериологик кўринишларини таҳлил қилиш асосида амалга оширилди.

Объектив текширув маълумотлари ва субъектив шикоятларни баҳолаш визуал-аналог шикояти асосида амалга оширилди.

Антиоксидант-прооксидант тизим ҳолатини баҳолаш мақсадида антиоксидант тизимнинг фермент ва нофермент бўғинларининг бажарадиган вазифалари параметрлари ва қон плазмаси ҳамда цервикал ажратма каби биологик суюқликлардаги оксидланиш жараёнларининг интенсив кўрсаткичлари аниқланди. Фермент бўғини ишидаги ўзгаришларни аниқлаш учун супероксидисмутаза (СОД) (И.М.Биков, 2014), каталазалар (КАТ) (С.Н.Грибова, 2014), глутатионпероксидазалар (ГПО), глутатионредуктазалар (ГР) (Н.Б.Захарова, 2016)нинг фаоллиги ўрганилди.

Нофермент бўғинни баҳолаш мақсадида тикланган глутатион концентрацияси ва қон плазмасидаги тиоллар гуруҳининг миқдори ўрганилди (Basov A.A., 2013). Шунингдек амперометрик усул билан умумий антиоксидант фаоллик аниқланди (Boris R.N., 2013). Биологик суюқликларда оксидланиш жараёнлари интенсивлигини баҳолаш учун хемиллюминесценция

кўрсаткичлари ва 2-тиобарбитурат кислота реакцияси бўйича модификацияланган оксидланиш маҳсулотлари миқдори аниқланди (Poudel M. et al 2017).

Цитокин (ФНО- α , ИЛ-1 β , ИЛ-6, ИЛ-10 ва ИЛ-4) маҳсулотлари миқдорини баҳолаш қон плазмаси ва цервикал ажратмаларда иммуноферментатив таҳлилни, қаттиқ фазали «сендвич» варианты билан асосланган усул асосида Россиянинг «Вектор бест» фирмасининг реагентлар жамланмасини қўллаш ёрдамида амалга оширилди.

Олинган маълумотларни математик қайта ишлаш учун «Statistica-6,0» малый дастурлар пакетидан фойдаланилди, бунда ўртача арифметик катталикни (М) ҳисоблаш билан вариацион статистика усули, ўртача квадрат силжиш ($\pm\sigma$) ўртача арифметик катталик хатоликлари ($\pm m$) ва нисбий катталик (частота%)ларда қўлланилди. Олинган ўзгаришларнинг статистик аҳамияти ўртача катталиклар билан таққосланиб, Стьюдент мезони бўйича аниқланди (t) ва бунда хатоликлар эҳтимоли ҳисобланади (P). Статистик белгилар ўзгариши учун ишончлилиқ даражаси қабул қилинди $P < 0,05$.

Шу билан бирга анъанавий статистик усуллар билан олинган натижалар, жумладан кўрсаткичларнинг ўртача таркиби ва ўртача хатолигини аниқлаш ($M \pm m$), барча текширилган ҳайвонларда ўпкага оқиб кираётган (веноз) ва ундан оқиб чиқаётган (артериал) қондаги субстратлар фарқи ҳажми ҳар бир қон синамасида ВАФ ҳисоблаб чиқилди.

Диссертациянинг «**Номахсус цервицитни комплекс даволашнинг янги усуллари ишлаб чиқиш ва баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида Баксергель нанокумуш асосидаги янги маҳаллий дори воситасини бирламчи – токсикологик баҳолаш натижалари тақдим этилган. Баксергель кумуш дори воситасини ўткир захарлилигини экспериментал тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, дори воситасини беморлар томонидан максимал кўтара олиш дозаси тана оғирлигига нисбатан 2000мг/кг га тенг; абсолют – ўлим дозаси эса 4000 мг/кг. Баксергель дори воситасини ўртача ўлим дозаси (\check{D}_{50}) 3150 (3420,5-2874,6) кг/мг ни ташкил этади. Шундай қилиб, дори воситаларининг таснифи бўйича Баксергель кам захарли дори воситалар гуруҳига киради.

Дори воситасининг териға кўрсатадиган тери-резорбтив таъсири ва маҳаллий таъсирлантирувчи таъсири ҳамда кўзнинг шиллиқ қаватига кўрсатадиган маҳаллий таъсирлантирувчи таъсирининг мавжуд эмаслиги аниқланди. Баксергель дори воситаси аллергенлик хусусиятига эга эмас.

Субхроник захарлилиқни аниқлаш бўйича олиб борилган экспериментал тадқиқотлар натижаларига кўра, бир ой давомида ҳар куни мазкур дори воситасидан ҳайвонлар терисига суртиш уларда захарланиш белгиларини пайдо бўлишига ва ҳайвонларни нобуд бўлишига олиб келмайди. Тадқиқот ўтказишнинг бутун даври мобойнида, жигар, бош мияга препаратни захарли таъсир кўрсатиши мумкинлигини акс эттирувчи гематологик ва биокимёвий кўрсаткичларда ўзгаришларнинг мавжуд эмаслиги аниқланди. Ички органларда гисто-морфологик ўзгаришлар қайд этилмади.

Шундай қилиб, олиб борилган тадқиқот натижаларига кўра, Баксергель дори воситаси ва унинг карбоксиметилцеллюлоза компоненти кўз шиллик қавати ва терига маҳаллий таъсирлантирувчи таъсир кўрсатмайдиган кам захарли бўлиб, у сенсibiliзацияловчи ва анафилактоген таъсир кўрсатмайди, кумулятив самарага эга эмас, булар эса янги маҳаллий фармацевтика маҳсулоти бўлган Баксергель дори воситасини тиббиётнинг турли соҳаларидаги клиникаларда кенг мақсадда қўллаш, шунингдек оқ каламушлар бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделларида Баксергель дори воситаси билан даволаш самарадорлигини экспериментал тадқиқотларда ўрганиш имконини беради.


Барча гуруҳ ҳайвонларида ўтказилган жарроҳлик амалиётидан сўнг мазкур жарроҳлик амалиётига нисбатан бир хил типдаги реакция кузатилди, яъни ҳароратнинг кўтарилиши, юрак қисқаришлар ва нафас олиш сонининг ортиши, лейкоцитоз қайд этилиши, гемоглобин даражасининг компенсатор ортиши, эритроцитлар миқдорининг ўртача пасайиши ва эндоген интоксикация-СМП 280 кўрсаткичларининг ортиши киради.

Жарроҳлик амалиётидан сўнг физиологик кўрсаткичларнинг тикланиш динамикаси ўтказилган даволаш турига кўра белгиланди: Баксергель билан даволашда (4-гуруҳ) жарроҳлик амалиётидан кейинги физиологик кўрсаткичларнинг тикланиш муддати бошқа гуруҳ кўрсаткичларига нисбатан 2–3 кундан ортиқни ташкил этди. Демак, жарроҳлик амалиётидан 5 сутка ўтиб, тана ҳарорати 3-гуруҳда 1.1°C га пасайди ва $39,3^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этди, унга қарши $40,4^{\circ}\text{C}$ 2-гуруҳда (даволаш ўтказилмаган) ва $40,1^{\circ}\text{C}$ (КМЦ билан даволанган); нафас сонининг пасайиши 4-гуруҳда дақиқасига 31 тани ташкил этди; 1-гуруҳда 10 та ва 3-гуруҳда дақиқасига 14 нафас ҳаракатини ташкил этди. Тажриба ҳайвонларида физиологик кўрсаткичларнинг тўлиқ тикланиши 4-гуруҳда жарроҳлик амалиётидан кейинги 10 кунни, 2- ва 3-гуруҳларда эса 15 кунни ташкил этди. Олинган натижалар қуйидагиларни аниқлашга имкон берди: янги маҳаллий Баксергель дори воситасини қўллаш лаборатор ҳайвонларда физиологик ва гематологик кўрсаткичларда ўзгаришлар келтириб чиқармайди, бунда бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделида Баксергель билан ўтказилган муолажа даволаш муддатини 3 кунга қисқартиради. Шунини таъкидлаб ўтиш зарурки, Баксергель дори воситасининг гель асоси бўлиб ҳисобланган карбоксиметилцеллюлоза (КМЦ) захарли ва яллиғланишга қарши хусусиятга эга эмас.

ПОЛ жараёнларининг интенсивлиги ва тажрибанинг 1-кунида каламушларда бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишлари моделлаштирилгандан сўнг антиоксидант тизим алоҳида вакиллариининг фаоллик кўрсаткичлари бир вақтнинг ўзида хужайра антирадикал химоя тизимларини фаоллаштириш билан липопероксидация томонга ортишига йўналтирилган ўзгаришларга учради. Прооксидант-антиоксидант тизимнинг ҳолатини тавсифлаш бўйича олинган маълумотлар каламушларда бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделларида метаболик бузилишларнинг ривожланишида дисбаланснинг муҳим аҳамиятидан гувоҳлик беради. Қиёсий гуруҳ ҳайвонларида тажриба ўтказишнинг бутун

даври мобайнида бачадон бўйни шикастланиши билан бир вақтда юзага келадиган прооксидант-антиоксидант мувозанатни тиклаши кузатилди.


Бунда кумуш нанодоначалари асосидаги дори воситасини каламушларнинг прооксидант-антиоксидант тизим ҳолатига коррегирловчи таъсири қайд этилди. Умуман олиб қаралганда Баксергель дори воситаси антиоксидант тизим ишидаги бузилишларнинг намоён бўлишини камайтиришга ва қондаги эркин радикалларни оксидланиш жараёни интенсивлигини пасайтириш имконини берди, бу эса қон плазмасида эндотоксик субстанцияларни сезиларсиз тўпланиши билан кузатилади (1–2-расм).




1а-расм. Хемолуминисценциянинг юқори тарқалиш даражаси

Каламушлардаги бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделларида жароҳатли жараёнларни кечиши қон зардобиди яллиғланишга қарши цитокинларни (ФНО- α , ИЛ-1 β ва ИЛ-6), шунингдек яллиғланишга қарши ИЛ-4 ва ИЛ-10 медиаторларининг концентрациясини эрозив ярали цервикал шикастланишларнинг битиш даври мобайнида компенсатор ҳолда ортиши билан характерланади.

Цитокинлар мувозанати тўғрисидаги янада ишончли маълумотлар қарши яллиғланиш жараёнлари медиаторлари нисбатини таҳлил қилишда олинди.




16-расм. Хемолуминисценциянинг майдони



1в-расм. Т- барбитурат сони


1-расм. Қийсий гуруҳларда эркин радикал жараёнларни интенсив динамикаси (назорат гуруҳига нисбатан %).



2-расм. Эксперимент динамикасида каламушлар қонидаги антиоксидант тизимнинг вазифасини бажара олиш кўрсаткичлари.

Яллиғланишга қарши/яллиғланиш жараёнлари цитокинлар нисбатининг таҳлили тажрибанинг 15-кунда тажриба ҳайвонларининг 2- ва 3-гурӯҳида цитокинлар миқдорини яллиғланиш жараёнлари медиаторлари миқдорини ортиши билан кузатиладиган дисбалансни қайд этди, бунда ИЛ4/ФНО α коэффицентининг нисбати 1-гурӯҳда юқори бўлади (интат ҳайвонларда 1,64–1,44 марта; ИЛ4/ИЛ-1 β -8,57-8,57 марта; ИЛ4/ИЛ6-3,1-3,30 марта назорат гурӯҳ кўрсаткичларидан паст; ИЛ/10 нинг мос бўлган нисбати 1,60–1,52; 8,83–1,85 ва 3,113,46 марта (3-расм)). Тадқиқотнинг ушбу даврида тажриба ҳайвонларининг 4-гурӯҳида яллиғланишга қарши/яллиғланиш цитокинлари миқдори назорат гурӯҳига нисбатан катталиклари бўйича сезиларли фарққа эга эмаслиги аниқланди.

Ушбу маълумот маҳаллий нанокумуш дори препаратининг юқори самарадорлигини кўрсатади. Бачадон бўйни эрозияси моделида даволаш учун бактерияга қарши ва регенерацияловчи самарага эга бўлган дори воситаларини қўллаш цитокинлар мувозанатини меъёрлаштиришга олиб келди: 10-кунга келиб ФНО- α , ИЛ-1 β ва ИЛ-6 яллиғланишга қарши медиаторлари миқдорининг пасайиши ва 15-кунга келиб ИЛ-4 ва ИЛ-10 яллиғланиш медиаторлари концентрациясининг ортиши ҳамда тикланиш жараёнларининг ижобий динамикаси билан бирга кузатилди.



3-расм. Каламушлар қон зардобда яллиғланишга қарши цитокинларни яллиғланиш цитокинларига бўлган нисбат коэффиценти.

Бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишларни жарроҳлик амалиётидан кейинги даврида кузатиладиган маҳаллий ўзгаришларини визуал баҳолашда шу нарса аниқландики, жароҳлик амалиёти ўтказилмаган 1-гуруҳ хайвонларида сезиларли морфологик ўзгаришларнинг мавжуд эмаслиги, бачадон бўйни шиллик қавати силлик, пушти рангда эканлиги маълум бўлди. Жарроҳлик амалиёти ўтказилган хайвонлар (2, 3 ва 4-гуруҳлар)да амалиётдан кейинги биринчи кунда бачадон бўйни шиллик қаватида яра кўринишидаги нуқсон, жарроҳлик амалиёти яраси атрофидаги тўқималарда шиш, яллиғланиш валиги, марказда қонли лахта, чарвини ярага тўлиқ бўлмаган ўтиши кўринишидаги ўзгаришлар аниқланди.

2- ва 3-гуруҳ хайвонларида жарроҳлик амалиётдан кейин 5 кун ўтиб жарроҳлик амалиётдан кейинги эрозиянинг морфологик кўриниши биринчи кунга нисбатан сезиларли фарққа эга бўлмади, яранинг устки қисмида чарви билан қопланиш ўз ўрнига эга бўлди, бу даврда 4-гуруҳда оёқчаларда чарвининг зич ўсиб кириши ва юмшоқ чандикни ҳосил қилиши қайд этилди;

10-кунда мос ҳолда дағал чандикнинг ҳосил бўлиши, шишларсиз юмшоқ чандикқа қарши чарвини зич ўсиб кириши ва яллиғланишлар, чарви зич бўлмаган ҳамда 15-кунда 4-гуруҳда бачадон юзасини меъёрий кўрсаткичларгача тикланишига қарши юмшоқ чандикни шишларсиз ва яллиғланиш билан ҳамда 2- ва 3-гуруҳларда эса зич бўлмаган чарви аниқланди.

2-гуруҳ эркаларида (бачадон бўйни яллиғланиш жараёнлари модели бўлган даволаш ишлари олиб борилмаган хайвонларда) ва 3-гуруҳда (КМЦ билан даволаш) олиб борилган микроскопик текширишларда эпителийда турли ўлчам ва чуқурликдаги эрозив нуқсонлар аниқланди, уларнинг юза

қисми ҳужайра детритлари, фибрин қавати ва некротик масса билан қоплангандир.

Баксергель билан даволанган урғочи каламушлар бачадон бўйни эрозиясининг гисто-морфологик кўриниши даволашнинг биринчи кундаёк строма ҳужайраларини ясси ҳужайрали метаплазмасини фаоллаштириш кўринишидаги қайта тикланиш ўчоқларини юзага келиши билан тавсифланади, ҳужайра поауляциясининг тузилмавий-функционал метаболизми қайд этилди. Турли электрон юзаларда плазматик матриксли митотик бўлинаётган ҳужайралар аниқланди.

Баксергель билан олиб борилаётган даволашнинг 10-кундан сўнг эпителийнинг қайта тикланиш фаоллигининг ортиши қайд этилди, бу эрозия юзаси 15-кунда битишидан гувоҳлик беради. Бачадон шиллиғини қопловчи эпителий кўп қаватли, силлик, мугузланмаган. Шиллик ости қаватидаги яллиғланиш инфилтрацияси мавжуд эмас, уларда коллагенли бириктирувчи тўқима толаси ва якка ҳолда учровчи лейкоцитлар ва капилярлар кўзда тутилади.

Даволаш бошлангунга қадар барча гуруҳ ҳайвонларида бачадон бўйни нуқсони шаклланган бўлиб, у ҳужайра-тўқима детритлари билан тўлган, строма кенлиги бўйлаб қуюқ лейкоцитар инфилтрацияли ва йирик миқдордаги кокklar билан фиброз-йирингли яллиғланишнинг йирик ўчоғи, диффуз ҳолда ва тўпланган шаклларда мавжуд бўлди. Ўчоққа яқини бўлган тўқима яллиғланиш фонидаги лейкоцитар инфилтрацияда фибробластлар пролиферацияси кузатилди.

Барча гуруҳ ҳайвонларида жарроҳлик амалиётидан кейинги 5-кунда нуқсон бачадон бўйни тўқимасига тарқалди. Нуқсон юзасида ҳужайра-тўқима детритидан иборат бўлган қора қўтир шаклланди, унинг остидан яра четларидан эпителий япроқчалар ўсганлиги аниқланди. Шаклланган нуқсон лейкоцитлар билан қуюқ инфилтрланган оксил массаси билан тўлган. Барча гуруҳлардаги фиброз-йирингли яллиғланиш ўчоғида диффуз ва тўп-тўп ҳолдаги кокklarнинг катта миқдори аниқланди. 4-гуруҳда (Баксергель билан даволанган) яллиғланиш ўчоғи атрофида томирларнинг тўлақонлилиги ва фибробластлар пролиферацияси аниқланди. Яллиғланиш ўчоғида ва атрофни ўраб турган грануляцияларда – цитоплазмада кокklar билан макрофагларнинг катта миқдори мавжуд бўлиб, бу яққол намоён бўлган фагоцитоздан гувоҳлик беради. Даволаш ўтказилмаган гуруҳда (2-гуруҳ) ва КМЦ билан даволанганда (3-гуруҳ) ўчоқ ёш грануляцион тўқима билан чегараланди.

Кузатувнинг 10-кунда даволашнинг 4-гуруҳида (Баксергель билан олиб борилган) яллиғланиш ўчоқларини давомли эпителизацияси юзага келди, экссудатда лейкоцитлар миқдорининг пасайиши ва ўчоқни етилаётган грануляцион тўқима билан чегараланиши кузатилди. Кокklar нотекис, диффуз ва жуда оз миқдорда учради. 2- ва 4-гуруҳ ҳайвонларидаги яра нуқсони етилаётган грануляциялар билан тўлган бўлиб, улардаги цитоплазмада кокklar билан якка ҳолдаги макрофаглар учрайди. Нуқсон четларида эпителий япроқчалари кўришиб туради.

Тажриба бошланишининг 15 кунидан сўнг хайвонларнинг 4-гуруҳида деярли тўлиқ эпителизация юзага келди ва эрозив нуқсон етилаётгани грануляцион тўқима билан қопланди, уларда якка ҳолда макрофаглар ва кокклар учради, кузатувнинг бу муддатига келиб 2- ва 3-гуруҳларда лейкоцитларнинг тўп-тўп ҳолда ва коккларнинг унча катта бўлмаган миқдорда учраши билан ташкиллаштирилган оқсил массаси билан тўлган яллиғланиш ўчоқлари сақланиб қолди.

Цервикал интраэпителиал шикастланишлар моделини регенерациясини қин суртмасининг таркиби бўйича баҳоланди. 4-гуруҳда жарроҳлик амалиётидан сўнг қин суртмаси таркибининг тикланиши 2- ва 3-гуруҳ кўрсаткичларидан 2 кунга олдинга ўтиб кетди ($P \leq 0,05$), 4-гуруҳда қин суртмасининг тўлиқ меъёрлашиши 10-кунда қайд этилди ($P \leq 0,05$), 2- ва 3-гуруҳ хайвонларида суртма таркибининг тикланиши жарроҳли амалиётдан кейинги 15-кунда юзага келди.

Қин ажратмасининг таҳлили ва хужайра инфилтрати морфологик таркибини ўрганиш, гисто-морфологик, морфологик тадқиқотлар комплексининг натижалари шундан гувоҳлик берадики, Баксергель дори воситасини қўллаш жароҳатдан микроорганизмларни фаол элиминациясига сабаб бўлади, макрофагал реакцияни ва макрофагларнинг фагоцитар қобилиятини тезлаштиради, бу эса лейкоцитар инфилтрациянинг камайишига, яллиғланиш ўчоғини етилаётган грануляцион тўқима билан чегараланишига ва маҳаллий инфекция-яллиғланиш жараёнлар белгиларининг қопланишига олиб келади.

Тадқиқот натижалари аёллардаги бачадон бўйни номахсус яллиғланиш касалликларини тропик даволашдаги дори воситаларнинг самарадорлигини ўрганиш учун асос бўлиб хизмат қилди.

Даволашгача қиёсий гуруҳларда цервицит номахсус генезли бачадон бўйни яллиғланиш патологияси клиник ва цитологик жиҳатдан ташхисланди.

Қиёсий гуруҳдаги даволаш бошлангунча бўлган даврда беморлар қонида ва цервикал канал ажратмаларининг цитокин профили яллиғланиш медиаторларининг ортиши (ФНО- α , ИЛ-1 β ва ИЛ-6) ва яллиғланишга қарши цитокинларнинг компенсатор ортиши (ИЛ-4 ва ИЛ-10), цитокин профилини яллиғланиш бўғини томонига яққол намоён бўлган дисбаланси билан характерланади. ПОЛ-АОС таҳлилининг мослиги ПОЛ (МВХЛ, ПХЛ ва ТБЧ) маҳсулотлари концентрациясини ортишини намоёиш этди, буларнинг барчаси АОС (СОД, КАТ, НП ва ОАО) ферментлар фаоллигини компенсатор ортишини етишмовчилик фониди кузатилди. Даволаш натижаларини клиник баҳолаш шуни кўрсатдики, номахсус цервицитларни даволашда Баксергелни қўллаш самарадорлигининг ўртача йиғиндиси стандарт даволаш усулидан $\geq 23,08\%$ га устундир; даволашга Вагилаксни киритиш эса самарадорликни $\geq 31,98\%$ га ортишига олиб келади. Комплекс даволашга Баксергелни киритиш даволаш муддатини ишончли $7,7 \pm 0,32$ кунга камайишига олиб келади, 1-қиёсий гуруҳда Баксергель қўлланилганда $6,02 \pm 0,25$ кун ($P \leq 0,05$) (2-гуруҳ) ва $5,04 \pm 0,16$ гача ($P \leq 0,05$) комплекс даволашга Вагилакс киритилгандан сўнг (3-гуруҳ) рецидивлар сони мос бўлган динамикада

3,5±0,12; 2,63±0,11 ($P\leq 0,05$) ва 1,82±0,07 ($P\leq 0,05$)ни ташкил этди; рецидивларни даволаш давомийлиги 6,30±0,28 кун; 4,71±0,18 ($P\leq 0,05$) кун ва 3,5±0,14 ($P\leq 0,05$) кунни ташкил этди. Цитокин профили меъёрлаштириш динамикаси бўйича даволаш самарадорлигининг ўртача йиғиндиси 2-асосий гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан қондаги кўрсаткичлар 15,11%га юқори бўлди; цервикал ажратмада 25,39%га юқори бўлди; 3-асосий гуруҳ беморларидаги мос бўлган ортиш 13,74% ва 23,50%ни ташкил этди; қондаги яллиғланишга қарши/яллиғланиш цитокинларининг сурилиш коэффициентининг тикланиши 20,08–38,90% ва 9,28–28,61%дан юқори кўрсаткичларга эга бўлди. 2-асосий гуруҳда ПОЛ-АОС динамикаси бўйича даволаш самарадорлигининг ўртача йиғиндиси қиёсий гуруҳ қон кўрсаткичларидан 16,31%га юқори натижани кўрсатди; цервикал ажратмада 19,74%га юқори бўлишини кўрсатди; 3-асосий гуруҳдаги мос бўлган ортиш 27,86% ва 31,70%ни ташкил этди.

Олинган маълумотлар давомли даволашни талаб этадиган ва микробиоценоз бузилишлари билан кетадиган бачадон бўйнининг номахсус касалликларидаги даволашда бошқа даволаш – профилактик чора-тадбирлар билан комплекда гинекологик амалиётда Вагилаксни тизимли қўллаш ва Баксергелни маҳаллий қўллаш самарадорлигини асослайди.

ХУЛОСАЛАР

«Тажриба ва клиник шароитда номахсус цервицит билан хасталанган беморларни комплекс даволаш сифатини яхшилаш» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Токсикологик тадқиқот натижаларига кўра Баксергель нанокумуш дори воситаси кам захарли препаратлага тааллуқли бўлиб, унинг ўртача ўлим дозаси (ЎД50) 3150 (3420,5–2874,6) кг/мг ни ташкил этади, у кўз шиллик қавати ва тери маҳаллий таъсирлантирувчи таъсир кўрсатмайдиган кам захарли бўлиб, у сенсibiliзацияловчи ва анафилактоген таъсир кўрсатмайди, кумулятив самарага эга эмас, лаборатор хайвонларнинг физиологик ва гематологик кўрсаткичларига таъсири, дори воситасини ички органлар морфологиясига захарли таъсири мавжуд эмас.

2. Каламушлардаги бачадон бўйни цервикал интраэпителиал шикастланишлари моделида қайта тикланишнинг морфологик-гистологик таҳлили Баксергель билан даволашда жараённинг эрта кечишига дори воситасининг ижобий самараси, регенерация темпининг жадаллашиши, экссудация муддатларининг қисқариши, интраэпителиал шикастланишлар модели юзасининг тозаланиши, инфилтратнинг сўрилиши ва грануляциянинг пайдо бўлиши билан намоён бўлиб, булар регенерация муддатининг қисқаришига имкон берди.

3. Цервицитни эндоген интоксикацияни ўсишига, эркин радикал жараёнларини фаоллаштиришга ва яллиғланишга қарши ва яллиғланиш цитокинларини ўсиш томонга яллиғланиш медиаторларининг маҳаллий (цервикал ажратма) ва тизимли даражада (қон) таъсири тасдиқланди.

4. Номахсус цервицитни Баксергель билан даволаш цервикал ажратма ва қоннинг иммунометаболик жараёнларининг ижобий динамикасига олиб келди: қонда ПОЛ-АОС жараёнлар балансини меъёрлаштиришнинг йиғинди самарадорлиги Баксергелни алоҳида қўллашда анъанавий даволаш самарадорлигини 16,31%, цервикал ажратмада 19,74% га юқори бўлиши, Вагилакс билан бирга қўллашда эса 27,86% ва 31,70%ни ташкил этди; цитокинлар балансининг тикланиши 20,08% ва 38,90% ни ташкил этди.

5. Номахсус цервицитни патогенетик асосланган комплекс даволашда Баксергель ва Вагилаксни биргаликда қўллаш анъанавий даволашнинг клиник натижаларини оширади: номахсус цервицитни даволашда Баксергелни қўллаш клиник самарадорлигининг ўртача йиғиндиси стандарт даволашдан деярли 1,5 марта юқори бўлади; даволашга Вагилаксни киритиш даволаш самарадорлигини деярли 2 мартага оширади; даволаш муддатининг ишончли камайиши 1,68 кун ва 2,66 кунга мос ҳолда; рецидивлар сони 1,33–1,92 марта ва рецидивларни даволаш давомийлиги 1,59 ва 2,80 кунни ташкил этди.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Tib.30.03 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

ТАШКЕНТСКАЯ МЕДИЦИНСКАЯ АКАДЕМИЯ

КАМИЛОВА ИРОДА АБДУРАСУЛОВНА

**КОМПЛЕКСНОЕ ЛЕЧЕНИЕ НЕСПЕЦИФИЧЕСКОГО ЦЕРВИЦИТА В
УСЛОВИЯХ ЭКСПЕРИМЕНТА И В КЛИНИКЕ**

**14.00.16 – Нормальная и патологическая физиология
14.00.01 - Акушерство и гинекология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В.2018.2.PhD/Tib611

Диссертация выполнена в Ташкентской медицинской академии

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу www.tma.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.

Научные руководители:

Каримов Хамид Якубович

доктор медицинских наук, профессор

Пахомова Жанна Евгеньевна

доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Саидов Аълонур Бахтинурович

доктор медицинских наук

Ниязметов Рахматулла Эрматович

доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация:

**Самаркандский Государственный
медицинский институт**

Защита состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Разового Научного совета DSc.27.06.2017.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской Академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+998 71) 1507825, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрировано за № ____). Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Тел/факс: (+99871) 150-78-25.

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 г.

(протокол рассылки № ____ от «___» _____ 2019 г.)

Г.И. Шайхова

Председатель Разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Н.Ж. Эрматов

Ученый секретарь Разового научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

Б.У. Ирискулов

Председатель Разового научного семинара при научном совете по присуждению учёных степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии(PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Проблема неспецифических воспалительных заболеваний шейки матки чрезвычайно актуальна в гинекологической практике во всем мире. Распространенность цервицитов увеличивается из года в год. Хронические цервициты являются основой развития многих гинекологических заболеваний и акушерской патологии: эндометрита, сальпингита, восходящей инфекции эндометрия, воспалительных заболеваний малого таза, являются причиной нарушений течения беременности и родов, внутриутробного инфицирования плода, развития бесплодия, невынашивания беременности и т.д.⁴ Длительное течение хронического цервицита является благоприятным фоном для развития диспластических изменений шейки матки и возникновения раковых заболеваний. Этиологическим фактором возникновения неспецифического цервицита являются ассоциации условно-патогенных микроорганизмов. Важной характеристикой воспаления при цервиците является его прогрессирующий характер и снижение способности к элиминации повреждающих агентов. В настоящее время большинством исследователей принимается факт взаимообусловленности и взаимосвязи цервикального и вагинального воспаления. В патогенезе обоих заболеваний ведущая и связующая роль принадлежит нарушениям микробиоценоза. Однако, изменение биологических свойств возбудителей обуславливает трудности в проведении рационального этиотропного и патогенетически обоснованного лечения. Приведенные данные свидетельствуют о необходимости разработки эффективных методов лечения неспецифического цервицита у женщин с использованием новых типов антимикробных препаратов, изготовленных на основе нанотехнологий. Особенно актуальна разработка и внедрение методики одновременной коррекции дисбиотических и иммунометаболических нарушений при вагините и цервиците⁵.

В мире проводится ряд научных исследований в целях диагностики и лечения неспецифических цервицитов в условиях эксперимента и в клинике. Нами, проведена оценка в эксперименте острой и субхронической токсичности, кожно-резорбтивного, местно-раздражающего, сенсibiliзирующего действия и кумулятивных свойств нового лекарственного средства на основе наносеребра- «Баксергель», оценена в эксперименте, по данным гистоморфологических исследований, эффективность Баксергеля в терапии моделированных цервикальных интраэпителиальных поражениях шейки матки крыс, выявлены клинические результаты использования препарата наносеребра «Баксергеля» отдельно и в комплексе с пероральным пробиотиком «Вагилак» в патогенетической

⁴ Боровиков И.О. Дифференцированный подход к профилактике и лечению ассоциированных в вирусом папилломы человека цервикальных интраэпителиальных неоплазий: Автореф. дис. ...д.м.н. Волгоград, 2017. -45с.

⁵ Грибова С.Н. Состояние локальной иммунной системы шейки матки при хроническом неспецифическом цервиците у женщин репродуктивного возраста / С.Н. Грибова, Н.Б. Захарова, Н.Ф. Хворостухина, Ю.В. Михеева // Современные проблемы науки и образования.– 2015 - № 4 . –10 с.

терапии неспецифического цервицита. Научно обоснована клиническая эффективность применения в комплексном лечении пациенток с цервицитом антимикробного средства «Баксергеля» и перорального пробиотика «Вагилакса», обосновано совершенствование профилактических мероприятий.

